

7-10-2019

ABOUT THE TOPONYMY OF KARKISHLAK (KALKISHLAK) SOUTH - WESTERN NAMANGAN DIALECTIAL AREA

Ibroxim Urmanovich Darvishov
Namangan State University PhD, senior teacher

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Darvishov, Ibroxim Urmanovich (2019) "ABOUT THE TOPONYMY OF KARKISHLAK (KALKISHLAK) SOUTH - WESTERN NAMANGAN DIALECTIAL AREA," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 43.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/43>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ABOUT THE TOPONYMY OF KARKISHLAK (KALKISHLAK) SOUTH - WESTERN NAMANGAN DIALECTIAL AREA

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

**ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ НАМАНГАН ДИАЛЕКТАЛ АРЕАЛИДАГИ КАРҚИШЛОҚ
(КАЛҚИШЛОҚ) ТОПОНИМИ ХУСУСИДА**

Дарвишов Иброҳим Ўрмонович
Наманган давлат университети,
PhD, катта ўқитувчи

Аннотация: Мақолада жануби-ғарбий Наманган диалектал ареалидаги аҳоли турар жойи Гулқишлоқнинг тарихий Карқишлоқ ва Калқишлоқ топонимик ном вариантларининг лисоний белги-хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: топонимика, топоним, лисоний омил, фонема, инвариант, фонема варианты, товуш, товуш ўзгаришлари, ассимиляция, диссимиляция.

**О ТОПОНИМЕ КАРКИШЛАК (КАЛКИШЛАК) НА ЮГО-ЗАПАДНОГО
ДИАЛЕКТНОГО АРЕАЛА НАМАНГАНА**

Дарвишов Иброҳим Урманович
Наманганский государственный университет,
PhD, старший преподаватель

Аннотация: В статье объясняется научная значимость диалектической реалии жителей юго-западного селения Гулкишлак исторические название Каркишлак или Калкишлак и о топонимических вариантах названий и о языковых признаках.

Ключевые слова: топонимика, топоним, языковые факторы, фонема, инвариант, варианты фонем, звук, звуковые изменения, ассимиляция, диссимиляция.

**ABOUT THE TOPONYMY OF KARKISHLAK (KALKISHLAK)
SOUTH - WESTERN NAMANGAN DIALECTAL AREA**

Darvishov Ibroxim Urmanovich
Namangan State University
PhD, senior teacher

Abstract: The characteristics of linguistic characteristic of the Gulkishlok toponymic names of the Kalkishlok and Karkishlok are discussed in the context of the settlement of south - western Namangan dialectal area.

Key words: toponymy, linguistic factor, phoneme, invariant, versions of phonemes, sound, sound changing, assimilation, dissimilation.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, аҳоли яшаш жойлари номи – топонимлар бирданига ўз номига эга бўлмайди. У секин асталик билан, эволюцион тарзда шаклланиб боради. Турли лисоний омиллар натижасида номлари бошқача талаффуз кўринишларга эга бўлиб қолади.

Бутунги кундаги Гулқишлоқ топонимининг Карқишлоқ ва Калқишлоқ вариантлари ҳам ана шундай лисрний жараёнлар намунасиدير.

XX асрнинг 80-90 йилларигача ҳозирги Гулқишлоқ *Карқишлоқ* ва *Калқишлоқ* (Тўрақўрғон тумани, Сирдарё оқимининг ўнг соҳилида жойлашган энг йирик қишлоқларидан бири) номлари билан аталган. Бу номларнинг аслидай сақлаб қолиш қишлоқнинг узок йиллик тарихини сақлаб қолиш демақдир. *Гулқишлоқ* яқинда, аниқроғи 1980-1981 йилларда – Шўролар даврида пайдо бўлган топоним.

Қишлоқ тарихий номининг *кар* сўзига ҳам, *кал* сўзига ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Биз бу жараёни форс-тожик ва ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларидан, қолаверса, қипчоқ лаҳжасининг фонетик-фонологик жиҳатларидан билишимиз мумкин.

Қишлоқ номи тарихан биринчи қисми форс-тожик *кор* ва иккинчи қисми туркий *қишлоқ* сўзидан ташкил топган. Наманган вилоятининг жануби-ғарбий ҳудудида биринчи бўлиб ишчилар синфи мана шу қишлоқда шаклланганлиги сабабли *Корқишлоқ* яъни ишчилар, бирор аниқ меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишилар истиқомат қилувчилар маъносигадаги ном билан аталган.

Сирдарё олимининг чап соҳилига одамлар паром орқали ўтганлар. Паромда мана шу қишлоқ вакиллари меҳнат қилганлар. Кейинги жараёнларда эса, дарёга кўприк қуриш ишларида ҳам асосан қишлоқ аҳолисининг маълум қисми иштирок этган.

Форс-тожик тилида *кор* (كار) – ўзбек тилида иш, меҳнат; юмуш; бирор мақсадда қилинадиган фаолият, ҳаракат, иш маъноларида қўлланади [20.407]. Масалага топонимларнинг юзага келиш омиллари ҳақидаги илмий назарияларга асосланган ҳолда ёндашсак, қишлоқ номи табиий шароитлар (*Узунтепа, Ўртақишлоқ, Оқ тепа, Яккабулоқ, Оқ булоқ, Бураматут, Қолгандарё, Дўмса, Жийдақишлоқ* каби), кишиларнинг номи ва лақаблари (*Бешибанги, Ойимқишлоқ, Лангарбобо, Эшонтўпи, Муллақудунг, Бостонбува* каби), турли этнослар (*Сарой, Катагон, Олчин, Қурама, Чаяли (Чияли), Кенагас, Найман, Момохон, Довдуқ* каби) ёки бошқа бир жараён – омиллар (*Жомашов, Мулкобод, Гигант, Байналмилал, Аттанг* каби) асосида юзага келмаган, балки қишлоқ аҳолиси машғул бўлган иш фаолияти асосида шакллангандир. Зеро, тил – тирик тарих. Унда жамият ва шу жамият вакиллариининг қиёфаси, географик жойлашуви, этник белгилари, урф- одатлари, ақидалари ва ўзига хос тенденция-анъаналари мужассамлашади.

Форс-тожик тилида *коранда* (كارنده) – ўзбек тилида деҳқон; иш берувчи; ишчи маъноларини билдиради. Сўзлашув тилида тарихан ҳосилнинг бир қисмини (1/4 дан 1/2 гача қисми) олишга байлашиб ишловчи деҳқон маъноларида қўлланади [20.407].

Корафта (كارافتاده) ҳам форсий сўз бўлиб, тажрибали, кўпни кўрган маъноларини билдиради. Сўзлашув тилида кўпни кўрган, ўз бошидан кечириб, тажриба орттирган, тажрибали маъноларида қўлланади [20.407].

Корқишлоқ қандай қилиб бутунлай бошқа маъно англатувчи *Карқишлоқ* ёки *Калқишлоқ* номига айланиб қолганлигини изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Худуд аҳолисининг асосий қисмини қипчоқ диалекти шеваларида сўзлашувчилар ташкил этади. Тарихан Бухоро амирлиги, кейинчалик Қўқон хонлиги тасарруфида бўлган мазкур худудлардаги турли хатловлар, жой номлари ва аҳолини рўйхатга олиш ҳамда расмий идора ишлари форс-тожик тилида амалга оширилган. Барча турдаги иш қоғозлари ва расмий ҳужжатлар, асосан, шу тилда юритилган, чунки унинг ёзма шакли эски ўзбек тилининг ёзма шаклидан анча аввалроқ шакланган бўлиб, давлатчилик ҳужжатлари иш қоғозларининг эталонлари кўп йиллик анъаналар асосида сақлаб қолинган.

Тил назариясига кўра, этнослараро ижтимоий жараёнлар асосида бир халқ тилидан иккинчи бир халқ тилига кўплаб сўзлар ва грамматик шакллар ўтади ва бирлашиш – интеграциялашув содир бўлади. Икки мустақил тилнинг ўзаро таъсири даставвал тил лексикасида ўз ифодасини топади. Ўзбек ва тожик этнослари биргаликда яшаётган худудларда ўзаро алоқаларнинг кучли бўлганлиги туфайли тожик шеваларига кўпгина ўзбекча (туркий) сўзлар ўтган ва улар муайян шевалар луғат таркибининг маълум қатламини ташкил қилади. Масалан, Наманган атрофи тожик шеваларида бир қатор ўзбек тилидан ўтган сўзларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Чунончи, “аба”, “ако”, “уко”, “ўғир”, “инжиқ”, “ялтироқ”, “анча-мунча”, “апил-тапил”, “учун”, “ўша”, “мана бу”, “шатир-шутур” ва ҳ.к.

Наманган ўзбек шевалари ва Фарғона тожикларининг шеваларини ўрганган тилшунос олим А.К.Боровков ҳам ўз ишларида “буқоқ”, “буқри”, “булоқ”, “ботқоқ”, “айғир”, “байчи”, “қаймоқ”, “бичима”, “қошиқ”, “ўчоқ” каби сўзлар тожик тили луғат таркибига ўзбек тилидан ўзлашганлигини кўрсатиб ўтади [4.4; 5.164-200].

Албатта, тожик ва ўзбек тиллари ўртасидаги бундай муносабат, бир-бирига таъсир этиш жараёни икки ёқлама хусусият касб этган. Узоқ давом этган бундай жараён натижасида ўзбек тили луғати ҳам кўплаб форс-тожик тилига хос сўзлар билан бойиган. Мисол тариқасида бу ерда тожик тилидан ўзбек тилига ўтган айрим сўзларнигина келтириш билан чекланамиз. Масалан, ўзбек тилидаги “чечак” сўзи ўрнига кўп ҳолларда тожикча “тул”, “бутоқ” ўрнига “шоҳ”, “япроқ” ўрнига “барг”, “ёт” ўрнига “бегона”, “ер” ўрнига “замин”, “ёлғиз” ўрнига “танҳо”, “ягона” каби синоним сўзлар ўзбек тилида кенг қўлланилади.

Юқорида келтирилган маълумотлар ва қадимшунос олимлар фикрларига [1.83;6.108;17.44;19.36]. асосланиб таъкидлаш мумкинки, ўзбек ва тожик тилининг ўзаро таъсири ҳар бир даврда, турли этник муҳитда турлича характерга эга бўлган. Хусусан, жануби-ғарбий Наманган худудида тожиклар истиқомат қилмаса-да, турли давлат расмий иш қоғозлари, бадий асарлар ва омма учун ахборот тарзидаги ёзма манбалар орқали, асосан, иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар ва турли нолисоний омилар орқали тожикча тил унсурлари – маълум тил элементлари ўзлашган.

Карқиншоқ атамаси ана шундай қипчоқ шевасининг ўзига хос фонетик-фонологик хусусиятининг ҳосиласидир.

Форс-тожик тилининг ўзига хос хусусиятлари туркий тилдан фарқли бўлганлиги сабабли, бу икки тилнинг фонетик-фонологик тизими ҳам фарқ қилади.

Карқишлоқ ва Калқишлоқ сўзлари **Корқишлоқ** топонимининг фонетик жиҳатдан бузилган шаклидир.

Жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шевалари фонетик-фонологик хусусиятларини ўрганиш натижасида ҳамда умуммиллий ўзбек шеваларини ўрганган йирик диалектолог олимларнинг илмий қарашларига [2.108;3.188; 4.20-21;5.3-14;7.93;11.28-48;12.1-19;13.12] асосланган ҳолда, Корқишлоқ топонимини ташкил этган товуш тизими қипчоқ диалекти шеваларида *Карқишлоқ* ва *Калқишлоқ* тарзида талаффуз қилинган. Зеро, сингармонизм қонуниятини сақлаган барча ўзбек қипчоқ шеваларида “о” лашиш (*ока, дода,*

комил, кором каби) жараёни кузатилмайди.

Прага тилшунослик тўғрарегининг “Тезис” ларида тилнинг товуш жабҳасига хос тадқиқотлар хусусида сўз юритилиб, лингвистик тадқиқотларда сўзловчининг мақсадини рўёбга чиқарувчи акустик тимсолларни биринчи, асосий ўринга қўйиш зарурлиги таъкидланади [18.102]. Дарҳақиқат, билдириладиган ҳар қандай фикрнинг ашёвий қобиғини акустик бирликлар – товушлар ташкил этади. Сўзнинг шаклий қобиғини ташкил этган нутқ товушлари ўзаро қўшничилик (синтагматик) муносабатда бўлади. Нутқ товушларининг физиологик-анатомик хусусиятлари буни тақазо қилади. Товушнинг ҳосил бўлиш ўрни билан боғлиқ муҳим жараён унинг талаффузида воқе бўлиб, акустик-артикуляцион функцияга эга бўлади [8.108;9.44;14.36;15.85]. Форс-тожик тилидаги **кор** сўзини ёки форс тожик тилидан ўзлашган **-кор** сўз ясовчи қўшимчасини қипчоқ шева вакиллари сўзлашув нутқида аслидай ёки адабий орфоэпик меъёрда талаффуз қила олмайдилар. Кор сўзини [**кәр**] тарзида: *бър кәръңа йәрәп қәләр* (бир корингга яраб қолар) тарзида талаффуз этилади. Бунга сабаб эса, қипчоқ шеваларидаги унлилар уйғунлашуви – сингармонизмнинг мавжудлиги ва қадимги туркий тиллардаги каби сақланганлигидандир. *Корқишлоқ* қўшма сўз бўлиб, унинг таркибида битта тил олди, тор, лабланмаган **и** унлиси, икки тил орқа, кенг, лабланган **о** унлиси мавжуд. Қипчоқ шеваларининг ўзига хос белгиларига кўра қўшма сўз таркибидаги мавжуд унлиларнинг барчаси тил олди товушларига: **Кәрқъишләқ** каби уйғунлашади. Қипчоқ шевларида, аксарият ҳолларда ўзлашмаларда, саёз тил орқа, портловчи, жарангсиз **к** ундошидан кейин келган тил орқа, кенг, лабланган **о** унлиси адабий орфографик **а** тарзида (*камил – комил, капир – кофир, катеж – котедж, каса – коса, каллеж – коллеж, калаш//калиш* (рус. галош), *каранда – коранда, камандир – командир, камитет – комитет, камсамўл – комсомол каби*) талаффуз қилинади

Карқишлоқ топонимини **Калқишлоқ** тарзида номланиши муайян шева талаффузидаги фонетик-фонологик қонуниятлардан бири – диссимилиция ходисасидир.

Профессор А.А.Реформатский [14.51] ва бошқа тилшунос олимлар [11.24;15.88] икки бир хил товушнинг ёки пайдо бўлиш ўрни ва усулига кўра бир типга кирувчи товушларнинг, ассимиляцияга зид равишда, икки ҳар хил товушларга ўзгаришини диссимилиция ҳисоблаб, ассимиляция каби турлича бўлишини кўрсатган.

Бу ҳодисани турколог олимлар турлича талқин қилишган. Масалан, А.Н.Кононов [9.56] ва Э.В.Севортянлар [16.56] [дж] ва [тж] аффрикатларининг [д] ва [т] портловчи элементларини йўқотиб, [ж] ва [ш] сирғалувчи товушларга айланиши, шунингдек, икки бир хил товушнинг бирини бошқа товушга ўзгаришини диссимилляция ҳисоблайдилар. Тилшунос диалектолог А.Ишаев ҳам бу ҳодисага ўз муносабатини билдирган [8.42].

В.В.Решетов эса *зарар>зарал>залал, анжир>анжил* типидagi товуш ўзгаришини диссимилляция деб айтади [13.3-14]. Шунингдек, пайдо бўлиш ўрни жиҳатдан аввалгисидан фарқ қиладиган товушга ўтиш ҳодисаси ҳам диссимилляция деб кўрсатилган. Кўринадики, диссимилляция ҳақида бир неча хил қараш мавжуд. Диссимилляциянинг туркий тилларда ассимиляцияга* (*туссиз - тузсиз, сизди - сизни, оттан - отдан каби*) нисбатан анчайин кам учраши деярли барча илмий адабиётларда таъкидланган.

Жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларида ён товушлар таъсирида рўй берадиган комбинатор ўзгаришлар орасида диссимилляция ҳодисаси, юқорида таъкидлаганидек, туркий тилларда, жумладан, ўзбек тили шеваларида ассимиляцияга нисбатан камроқ бўлса ҳам, у мавжуд.

Жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шевалари вакиллари жонли тилида сўздаги икки бир хил товушнинг талаффузда бир-бирига таъсир кўрсатиши натижасида бошқа товушларга ўтиши (*зарил<зарар, морол<малол каби*) ҳамда ҳосил бўлиш ўрни ва усули жиҳатидан бир хил товушларнинг бир-биридан фарқли товушга айланиши (*интипоқ<иттифоқ, дувол<девор, ("ж" ловчиларда дивол ва девол, "й" ловчиларда дувол), икор<укор<укол,*

(*Тўрақўрғон туман ҳудуди), колидол<коридор каби*) ўзига хос ўрин тутади.

Бошқа қипчоқ шевалардагидек, диссимилляция ҳодисасида, асосан, сонор товушлар *"р"* титроқ ва *"л"* ён товушининг фаоллиги кузатилади.

Лексема номемаси таркибидаги маълум белгисига кўра икки ўхшаш ундош товушнинг сўзловчининг талаффуз қулайлигига интилиш ҳаракати туфайли ўхшаш белгиларнинг йўқотилиши диссимилляция ҳодисасини келтириб чиқаради. Бундай ҳодисанинг рўй бериши эса лексема номемасининг оғзаки сўзлашувга хос вариантнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Масалан, *бирор* лексемаси таркибидаги иккита *р* ундоши титроқлик умумий белгисига эга бўлганлиги туфайли, иккинчи ундош бурун ёки ён товушга алмашинади. Натижада бир лексеманинг *бирор* ва *бирон, зарур ва зарил* каби вариантлари пайдо бўлади.

Диссимилляцияга учраши учун иккита бир хил ундошнинг бўлиши шарт эмас. Маълум бир белгиси билан ўхшаш бўлган икки ундош ҳам диссимилляцияга эҳтиёж сезиши мумкин. Масалан, *мабодо* лексемасидаги *м* ва *б* ундошлари лабиаллик белгисига кўра ўхшаш бўлганлигидан, нутқий жараёнда талаффуз қулайлигини таъминлаш мақсадида биринчи ундош тил олди сонор ундоши *н* га, *б* ундоши *в* га алмаштирилади, натижада шевада *наводо* ёки *новодонда* (адабий орфографик: *мабодо*) сўзлари юзага келади.

Демак, кўп туркий тил шохобчаларда тарихан айрим сўзлар таркибидаги *p* ва *l* сонор товушларига талаффузда бир фонема тарзида қаралган ва бунинг ҳамда комбинатор товуш ўзгаришларидан бири – диссимилияция натижасида **Калқишлоқ** топоним номемаси **Корқишлоқ** ва **Карқишлоқ** номларининг варианты сифатида қўлланган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, жануби-ғарбий Наманган диалектал ареали этнолингвистик маданиятида умумий жиҳатлар билан бирга кўплаб этнолокал хусусиятлар ҳам намоён бўлади.

Этник гуруҳларнинг урф одатларидаги, тилидаги фарқланиш аввало, уларнинг анъанавий турмуш тарзига боғлиқлиги билан изоҳланади. XIX-XX аср бошларида ярим кўчманчи (яримўтроқ) халқларни тобора жадал ўтроқ турмуш тарзига ўтиб бориши бу соҳадаги интеграцион жараёнларнинг ривожига муҳим омил бўлди [1.86].

Қатъий лингвистик қонуниятлар асосида тилнинг узок замонлардаги ҳолатини аниқлашда жуда қимматли материал-маълумот берувчи манба бўлади. Шунинг билан бир қаторда, бундай фонетик, лексик-грамматик фактлар – асослар П.М.Мелиоранский таъбири билан айтганда: “...шева элементлари қадимги ёдгорликларни тушуниш ва лингвистик анализ қилишда ноёб қўлланма вазифасини адо этади” [10.36].

References:

1. Abdullaev U. Farg'ona vodiysida etnoslararo jarayonlar (XIX-XX asr boshlari). – T.: Yangi asr avlodi, 2005.
2. Aliev.A.YU. Namanganskaya gruppа govoroв uzbekskogo yazika: Avtoref. diss. dokt. fil. nauk. – Tashkent, 1975.
3. Atamirzaeva S. Zvukovoy sostav Namanganskogo govora uzbekskogo yazika. – Tashkent. 1963.
4. Borovkov A.K. Uzbekskiy govori Namanganskoy oblasti. – Tashkent, 1963.
5. Borovkov A.K. Tadjiksko-uzbekskoe dvuyazichie i vopros o vzaimov-liyanii tadjikskogo i uzbekskogo yazikov // Uchennie zapiski Instituta vostokovedeniya AN SSSR. IV. – Moskva, 1955.
6. Gumilev L.N. Qadimgi turklar. –Toshkent: Fan, 2007.
7. Djuraev A.B. Teoreticheskie osnovi arealnogo issledovaniya uzbekoyazichnogo massiva. – Tashkent: Fan, 1991.
8. Ishaev A. Mang'it shevasida assimilyasiya va dissimilyasiya//TAM, №Z. 1959. – B.52.
9. Kononov A.N. Grammatika sovremennogo turetskogo literaturnogo yazika.–M., 1956.
10. Melioranskiy P.M. Arab-filolog o turetskom yazika. Spb. – M., 1900.
11. Ne'matov H. O'zbek tili tarixiy fonetikasi. – Toshkent: O'qituvchi. 1992.
12. Polivanov E.D. Uzbekskaya dialektologiya i uzbekskiy literaturniy yazik. Tashkent: Uzgosizdat, 1933.

13. Reshetov V.V. O'zbek shevalarining klassifikatsiyasi // O'zbek tili va adabiyoti, 1966, 1-son. – B.3-14.
14. Reformatskiy A.A. Vvedenie v yazikoznanie. – Moskva, 1960.
15. Ryasyanen M. Materiali po istorichskoy fonetike tyurskix yazikov. – M., 1955.
16. Sevortyan E.V. Assimilyasiya i dissimilyasiya soglasnix v yujnyax tyurskix yazikax, Issledovaniya po sravnitelnoy grammatike tyurskix yazikov. I. Fonetika. M., 1955.
17. Tolstova L.S. Karakalpaki Ferganskoy dolini. – Nukus: Karakalp. gos. izdat., 1959.
18. Tezisi Prajskogo lingvisticheskogo krujka. V knig. Zvegensev V.A. Istoriya yazikoznaniya XIX-XX vekov v ocherkax i izvlecheniyax. Chast II. – M.: Prosveshenie, 1965.
19. Shoniyozov K. O'zbek xalqining shakllanish jarayoni. –T.: Sharq, 2001.
20. O'zbek tilining izohli lug'ati. – Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi davlat ilmiy nashriyoti, 2005.